

## Бу Усмоннинг қўли!



16:00 / 15.01.2021 2900

Ҳудайбия йилида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар билан умра қилмоқчи бўлдилар. Маккада мусулмонлар уруш учун келишяпти деган хабар тарқалди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага фақатгина умра учун келаётганларини, Маккада фақатгина бир кеча-кундуз туришларини айтиб элчи юбормоқчи бўлдилар. Аввалда Умар ибн Хаттоб розиёллоҳу анҳуни юбормоқчи бўлдилар. Аммо Умар розиёллоҳу анҳунинг қариндошлари Маккада оз қолган эди. Агар Қурайш хиёнат қилса Маккадаги қариндошлари Умар розиёллоҳу анҳуни ҳимоя қилишга қодир эмас эдилар. Шунда Умар розиёллоҳу анҳу Усмон розиёллоҳу анҳуни юборишни маслаҳат бердилар. Чунки у киши Бани Умайядан бўлиб, улар Қурайшнинг бош бўғинидан бири ва Усмон розиёллоҳу анҳу уларнинг бойларидан эдилар. У кишига биров журъат қила олмас эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розиёллоҳу анҳунинг маслаҳатларини олиб Маккага Усмон розиёллоҳу анҳуни юбордилар. У киши мусулмонларнинг уруш учун эмас, фақатгина умра учун келишганини хабар беришлари лозим эди.

Усмон розиёллоҳу анҳу Маккага келиб Абу Суфён ва Қурайш катталарига хабарни етказдилар. Абу Суфён Усмон розиёллоҳу анҳуга агар истасалар ўзлари Каъбани тавоф қилишлари мумкинлигини, бошқа мусулмонлар ишини текшириб кўришини айтди. Шунда Усмон розиёллоҳу анҳу: «Мен Каъбани Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан илгари тавоф қилмайман», дедилар.

Қурайш бир фикрга келгунича Усмон розиёллоҳу анҳуни олиб қолди. Мадинада Усмон розиёллоҳу анҳуни Қурайш ўлдирибди, деган хабар тарқалди. Ўша пайтдаги дипломатик урфлар элчининг ўлдирилмаслигини тақозо қилар эди. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазабланиб мусулмонлардан Қурайшга қарши кураш учун дарахт остида байъат қабул қилдилар. Бу байъат кейинчалик «Ризвон байъати», деб ном олди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини очиб турдилар. Саҳобалар бирин-кетин ўлим учун байъат қилишди. Байъат тугагач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қўлларини иккинчисининг устига қўйиб: «Бу Усмоннинг қўли», дедилар.

Тўғри, агар Усмон розиёллоҳу анҳу Мадинада бўлганларида бу байъат бўлмас эди. Аммо бошқа томондан Усмон розиёллоҳу анҳу Мадинада эдилар. Инсонларнинг саййиди бўлмиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қўллари билан Усмон розиёллоҳу анҳунинг йўқликлари ўрнини тўлдирдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу байъатнинг ўлим учун бўлганини билдилар. Агар бу бошқа сабаб учун бўлиб, унда Усмон розиёллоҳу анҳу Мадинада бўлсалар албатта ҳозир бўлар эдилар. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у зотнинг бўшлиқларини тўлдирдилар.

Табук ғазотида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъб ибн Моликни сўрадилар:

- Каъб ибн Моликка нима бўлди?

Бани Салама қабиласидан бир киши деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Уни кийимлари ва икки ёнига боқиши(яъни, мол-давлатининг ташвиши) Табукка келишдан тўсиб қўйди.

Шунда Муоз ибн Жабал розиёллоҳу анҳу унга қараб:

- Бунча ҳам ёмон гап айтдинг. Эй Аллоҳнинг Расули! Биз ундан фақатгина яхшилик кўрганмиз, деди.

Ҳа, Каъб Табукда йўқ эди. Аммо у Муоз ибн Жабал розиёллоҳу анҳунинг қалбида ҳозир эди. Йўқлигида дўсти уни муҳофаза қилди.

Бир киши машҳур наҳв олими Мубарридга деди:

- Фалончи мени сўқди. Мен ҳилм(юмшоқлик)ни лозим тутиб сукут сақладим. Сўнгра у сизни сўка бошлади. Сизни ҳам ўзимга тенглаштириб сукут сақладим.

Мубаррид деди:

- Иккиси баробар эмас. Ўзинг учун сабр қилганинг ҳилмдир. Дўстинг учун индамай турганинг эса хиёнатдир!

Сен яхши деб биладиган дўстинг ғоиб бўлганида унинг ўрнини тўлдир.  
«Бу Усмоннинг қўли», деган гапни эсла!

**Абдулқодир Полвонов**